

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ИБРАГИМОВ УЛУҒБЕК МУРАДИЛЛОЕВИЧ

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА МОДЕЛЛАШТИРИШ
ДАСТУРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ УМУМКАСБИЙ ФАНЛАРИ
АХБОРОТ-МЕТОДИК ТАЪМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.06 – Электрон таълим назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертациидоктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Ибрагимов Улуғбек Мурадиллоевич

Олий таълим муассасаларида моделлаштириш дастурларидан
фойдаланиб умумкасбий фанлари ахборот-методик таъминотини
такомиллаштириш..... 3

Ибрагимов Улуғбек Мурадиллоевич

Совершенствование информационно-методического обеспечения
общепрофессиональных дисциплин с использованием программ
моделирования в высших учебных заведениях..... 23

Ibragimov Ulugbek Muradilloevich

Improvement of information and methodological support of general
professional disciplines using modeling programs in higher educational
institutions..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ИБРАГИМОВ УЛУҒБЕК МУРАДИЛЛОЕВИЧ

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА МОДЕЛЛАШТИРИШ
ДАСТУРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ УМУМКАСБИЙ ФАНЛАРИ
АХБОРОТ-МЕТОДИК ТАЪМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.06 – Электрон таълим назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020/4.PhD/Ped1044 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.iipro.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Олимов Қахрамон Танзилович педагогика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Ҳамидов Жалил Абдурасулович педагогика фанлари доктори, профессор Мўминов Баҳодир Болтаевич техника фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01-рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел: 246-92-17; факс: 246-90-37; e-mail: pedagogikinnovatsiyalar@edu.uz).

Диссертация билан Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел: 246-92-17; факс: 246-92-17).

Диссертация автореферати 2021 йил “___” _____ кунни тарқатилди.
(2021 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Э. Қурбонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

С.Ю. Ашурова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, п.ф.н., профессор

З.К. Исмаилова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон миқёсида XXI аср таълими бевосита интернет ва электрон таълим технологиялари билан интеграциялашиб бормоқда. Таълимда масофанинг аҳамияти йўқолиб бораётган ҳозирги даврда (teacher-generated open content, redefinition of learning spaces) ахборот коммуникация технологиялари соҳасида бўлажак мутахассислар салоҳиятини ривожлантириш, таълим муассасаларида ахборот базасини кучайтириш олий таълимда мутахассисларни тайёрлаш жараёнининг асосий устуни¹ эканлиги алоҳида эътироф этилмоқда. Охирги ўн йилликда таълимни рақамлаштириш борасида юқори самарадорликка эришилган бўлса, дастурлаштирилган технологияларнинг кескин ривожланиши ва интернет билан уйғунлашиб кетиши ахборот муҳитининг имкониятларини янада бойитмоқда.

Хорижий таълим тажрибаларини умумлаштириш асосида олий таълимда ахборот-таълим порталларини шакллантириш, моделлаштириш усулларини ўзида қамраб олган электрон таълим шакллари ва воситаларини яратиш, мавжуд техник жараёнларда талабаларнинг креатив муҳандислик ғояларини қўллаш қобилиятларини шакллантириш борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, фанларнинг ягона ахборот-методик таъминотини яратиш имконини берадиган таълим порталларини яратиш, моделлаштириш дастурлари (CAD/CAM/CAE) ва умумқасбий фанларнинг ахборот-методик таъминотидан ўқув-тарбия жараёнида фойдаланиш методикаларини ишлаб чиқиш, олий таълим муассасаларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва воситалари билан жиҳозлаш, талабалар, ўқитувчилар ва тадқиқотчиларнинг глобал таълим тажрибалари ва замонавий ахборот ресурс марказлари маълумотлар базаларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда олий таълим муассасаларида бўлажак мутахассисларда зарур ва етарли малакаларни шакллантиришда умумқасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш жараёнини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва уларни ИТ-индустрия билан интеграция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида ахборот технологиялари соҳасидаги ўқув дастурлари ва услубларини такомиллаштириш, таълим муассасаларининг ИТ компаниялар билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш² бўйича аниқ вазифаларни амалга ошириш белгилаб қўйилган. Бунда таълим муассасаларида ИТ йўналиши бўйича умумқасбий фанларини ўқитиш самарадорлигини ошириш, техника йўналишидаги олий таълим

¹ Guidelines on the development of open educational resources policies: UNESCO, 2019. <https://en.unesco.org/themes/ict-education/weidong>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 октябрдаги “Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва уларни ИТ-индустрия билан интеграция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. <https://lex.uz/docs/5032128>

муассасаларида умумкасбий фанларини ўқитишда моделлаштириш дастурларини танлаш ва илмий асослаш ҳамда ўқитувчилар ва талабаларнинг улардан фойдаланиш компетенцияларини ривожлантиришнинг янги методикаларини ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони, 2020 йил 6 октябрдаги ПҚ-4851-сон “Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва уларни ИТ-индустрия билан интеграция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 30 июндаги ПҚ-5099-сон “Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши бўйича бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Олий таълим муассасаларида моделлаштириш дастурларидан фойдаланиб умумкасбий фанларни ўқитиш бўйича амалга оширилаётган илмий ишлар таҳлиллари шуни кўрсатадики, республикамиз олий таълим муассасаларида муҳандислик соҳаси бўйича бўлажак мутахассисларни тайёрлаш жараёнига ахборот ва коммуникацион технологияларни қўллаш бўйича А.А.Абдуқодиров³, Ф.М.Зокирова⁴, У.Ш.Бегимқулов⁵, М.М.Арипов⁶, Н.И.Тайлоқов, О.Х.Тўрақулов, Ж.А.Ҳамидов⁷, Ҳ.Ш.Қодиров⁸ ва бошқалар; электрон таълим назарияси ва методикаси бўйича Т.Т.Шоймардонов⁹, И.А.Эшмухамедов, Ғ.Отамуродов¹⁰,

³А.А. Абдуқодиров, А.Х. Пардаев. Таълим жараёнини технологиялаштириш назарияси ва методологияси. “Фан ва технология”. Тошкент. 2012 й. 104 б.

⁴Ф.М. Зокирова, У. Юлдашев, Р. Боқиев. Информатика ўқитиш методикаси. Тошкент, 2004 й.

⁵У.Ш.Бегимқулов, Р.Ҳамдамов, Н.Тайлоқов. Таълимда ахборот технологиялари. “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси”. Давлат илмий нашриёти. Тошкент. 2010 й.

⁶М.М.Арипов, М.Лутфуллаев. Информатика ва ахборот технологиялари. Ўқув қўлланма. “Universitet”. Тошкент. 2017 й.

⁷Ж.А.Ҳамидов. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда ўқитишнинг замонавий дидактик воситаларини яратиш ва қўллаш технологияси. пед. фан. фалсафа докт.... дис. Тошкент – 2017.

⁸Ҳ.Ш.Қодиров. Касб таълими ўқитувчиларининг билим ва кўникмаларини шакллантиришда ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш методикасини такомиллаштириш пед. фан. фалсафа докт.... дис. Тошкент – 2017.

⁹Т.Т.Шоймардонов. Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари муҳитида педагог кадрларнинг касбий фаолияти мазмуни ва унинг мониторинги. Тошкент: Янги китоб, 2016. 160 б.

¹⁰Ғ.Отамуродов. Олий таълим муассасалари раҳбар кадрлари бошқарув компетентлигини ривожлантиришнинг интеграллашган ахборот-методик тизимини такомиллаштириш педагогика фан. фалсафа доктори дис. Тошкент, 2020 й.

Л.Х. Арипжанова¹¹, Д.Н. Маматов¹²; электрон дарсликлар яратиш бўйича Қ.Т. Олимов¹³, Н.А. Муслимов¹⁴, А.А. Абдуқодиров¹⁵ ва бошқа олимлар томонидан илмий тадқиқотлар ўтказилган.

Талабаларга умумқасбий фанларни ўқитишда ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигини таъминлашнинг самарали метод ва воситаларини ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш муаммоси бўйича ҳамдўстлик давлатлари олимларидан М.О.Смирнова, Т.П.Афанасьева, Н.В.Немцова, А.М.Ванюшина, Э.В.Ванина, Т.Глазунов, И.В.Васильева, В.Т.Козаков, М.Агранович, А.Каспржак, А.Пинский, И.Чечель, М.Перминова, Н.И.Роговцева, Н.Л.Соснина, А.П.Тряпицына, В.В.Бессонов ва О.П.Околеловлар илмий изланишлар олиб борганлар.

Халқаро миқёсда ривожланган чет эл мамлакатларида педагогика соҳасида моделлаштириш билан боғлиқ илмий изланишлардан Ronald Ekyalimpa¹⁶, Jangmi Hong, Simaan M. AbouRizk Woratat Makasiranondh, S. Paul Maj, David Veal¹⁷, Shensheng Tang¹⁸ каби олимларнинг ишларини намуна сифатида келтириш мумкин.

Ўтказилган илмий изланишлар шуни кўрсатадики, техника йўналишидаги олий таълим муассасаларида умумқасбий фанларни моделлаштириш дастурларидан фойдаланиб ўқитишнинг ахборот-методик таъминотини такомиллаштириш махсус тадқиқ этилмаганлиги мазкур илмий-тадқиқот ишининг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Жаҳон банки томонидан молиялаштирилаётган Академик инновациялар фондининг AIF 2/20 – “Техник йўналишдаги олий ўқув юртларида шахсга йўналтирилган инновацион технологиялар асосида малакали муҳандисларни тайёрлаш сифатини ва ўқитувчилар малакасини ошириш” мавзусидаги халқаро лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади техника йўналишидаги олий таълим муассасаларида умумқасбий фанларни моделлаштириш дастурларидан фойдаланиб, ўқитишнинг ахборот-методик таъминотини такомиллаштиришдан иборат.

¹¹ Л.Х. Арипжанова. Образовательные возможности новых информационных технологий в обучении иностранным языкам в вузе. Бюллетень науки и практики. 2019. Т. 5. №4. С. 448-451. <https://doi.org/10.33619/2414-2948/41/65>.

¹² Д.Н. Маматов. Электрон ахборот таълим муҳитида касбий таълим жараёнларини педагогик лойиҳалаштириш. педагогика фанлари бўйича фалсафа докторлик дисс. Тошкент, 2017.

¹³ Қ.Т. Олимов Махсус фанлардан ўқув адабиётлар янги авлодини яратишнинг назарий ва услубий асослари. педагогика фан. докторлик дисс. Тошкент, 2005 й.

¹⁴ Н.А. Муслимов. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари. педагогика фан. докторлик дисс. Тошкент, 2007 й.

¹⁵ А.А. Абдуқодиров ва бошқалар. Ахборот технологиялари. Тошкент: 2002. 145-148 б.

¹⁶ Ronald E., Jangmi H., Simaan M. AbouRizk. 10th International Conference on Modeling and Applied Simulation, MAS 2011, Held at the International Mediterranean and Latin American Modeling Multiconference “THE USE OF SIMULATION AS A PEDAGOGICAL TOOL IN CONSTRUCTION EDUCATION”. 330-337 p.

¹⁷ Woratat M., Paul S.M., David V. “Pedagogical evaluation of simulation tools usage in Network Technology Education”. Journal World Transactions on Engineering and Technology Education. Vol.8, No.3, 2010. 321-326 p.

¹⁸ Shensheng T. “An Interactive Simulator-based Pedagogical (ISP) Approach for Teaching Microcontrollers in Engineering Programs”. Journal Advances in Engineering Education. SUMMER 2014.

Тадқиқот вазифалари:

техника йўналишидаги олий таълим муассасаларида ахборот таълим муҳитида умумкасбий фанларни ўқитишдаги муаммоларни аниқлаш ва долзарблигини асослаш;

умумкасбий фанларни ўқитиш жараёнида амалий ва тажриба машғулотларини ташкил этишда моделлаштириш дастурларидан фойдаланишнинг шарт-шароитларини илмий-методик асослаш;

техника йўналишидаги олий таълим муассасаларида моделлаштириш дастурларидан фойдаланиб, умумкасбий фанлардан мустақил таълим олишнинг ахборот-методик таъминотини ишлаб чиқиш;

муҳандислик таълимида умумкасбий фанларни ўқитишда ўқитувчилар ва талабаларнинг моделлаштириш дастурларидан фойдаланиш усуллари ва баҳолаш тизимини такомиллаштириш;

ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси бўйича умумкасбий фанларни ўқитишда моделлаштириш дастурларидан фойдаланиш бўйича электрон таълим ресурслари ҳамда ўқув материалларини ишлаб чиқиш ва таълим жараёнига татбиқ этиш.

Тадқиқот объекти техника йўналишидаги олий таълим муассасаларида “Технологик жараёнларни бошқаришнинг ахборот-коммуникация тизимлари” таълим йўналишида умумкасбий фанларни моделлаштириш дастурларидан фойдаланиб ўқитиш жараёни.

Тадқиқот предмети техника йўналишидаги олий таълим муассасаларида умумкасбий фанларни моделлаштириш дастурларидан фойдаланиб ўқитиш шакллари, методлари ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Педагогик-психологик ва илмий адабиётларни тадқиқот муаммоси нуқтаи назаридан ўрганиш ва танқидий таҳлил қилиш; олий таълим малака талаблари, ДТС ва ўқув дастурлари, умумкасбий фанлари бўйича илмий-методик манбалар таҳлили; бўлажак муҳандис-технологлар ўқув-тарбия фаолиятини кузатиш, анкета-сўровномалар ўтказиш, педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш ҳамда олинган натижаларга математик-статистик ишлов бериш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

техника йўналишидаги олий таълим муассасаларида ахборот таълим муҳитининг комплексивлик, кўргазмалилик ва объективлик тамойиллари асосида умумкасбий фанлар мазмунини моделлаштириш дастурлари билан интеграциялаш орқали муҳандислик таълимининг имитацион-вариативлик ва визуал-амалий йўналганлик имкониятлари кенгайтирилган;

умумкасбий фанлардан амалий ва тажриба машғулотларини ташкил этишда касбий муаммоларга амалий ечим топишга қаратилган дастурий воситалар асосида график ҳисоблашларни моделлаштириш орқали талабаларнинг технологик жараёнларни лойиҳалаш ва бошқариш кўникмаларини ривожлантириш методикаси такомиллаштирилган;

синергетик ва фаолиятли ёндашувлар асосида умумкасбий фанлардан мустақил таълим олишнинг ахборот-методик таъминотини (ижтимоий видео

канал, топшириқлар тизими платформаси ва мессенжер ботлар) ишлаб чиқиш орқали муҳандислик таълимнинг лойиҳавий, ташкилий ва натижавий компонентларининг мазмуни (катта ҳажмдаги техник маълумотларга ишлов бериш ва тизимлаштириш) такомиллаштирилган;

кибернетик қонуниятлар ва ахборот коммуникацион технологиялари асосида ишлаб чиқилган JSON (Java Script Object Notation) форматидан умумқасбий фанларни ўқитиш жараёнида фойдаланиш орқали талабаларнинг ўзлаштириш натижаларини баҳолаш тизими (OTM-Moodle-Мессенжер бот-Буюртмачи) такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“Технологик жараёнларни бошқаришнинг ахборот-коммуникация тизимлари” таълим йўналишлари учун босма ва электрон шаклда “Дастурлаш тиллари базасида техник иловалар” дарслиги ва “Муҳандисликда моделлаштириш дастурлари (CAD/CAM/CAE)” бўйича мультимедиали электрон ўқув қўлланма ишлаб чиқилган;

олий таълим тизимида умумқасбий фанларини моделлаштириш дастурларидан фойдаланиб ўқитишда халқаро тажриба ўрганилган ва муҳандис кадрларни касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнига мос илмий ютуқлар амалиётга татбиқ этилган;

“Дастурлаш тиллари базасида техник иловалар” фанидан амалий машғулотларда электрон дарсликдан фойдаланиш бўйича методик ишланмалар “Youtube” ижтимоий тармоғига (<http://shorturl.at/hmoO9>) жойлаштирилган ҳамда талабаларнинг ўзлаштириш натижаларини баҳолашга мўлжалланган автоматлаштирилган телеграм бот (@DTVTI_bot) яратилган ва амалда жорий қилинган;

техника олий таълим муассасаларида умумқасбий фанларини моделлаштириш дастурларидан фойдаланиб ўқитишга қаратилган дастурий ишланмалар ва методик тавсияларни халқаро Scopus базасида юқори Хирш индекси ва импакт факторига эга бўлган илмий журналларда чоп этиш орқали илмий ҳамжамиятда оммалаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўплами, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган дарсликлар ва улар ҳақидаги рецензиялар, респондентлар билан ўтказилган савол-жавоб, интервьюлар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таклиф этилган модел, бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашда умумқасбий фанларини моделлаштириш дастурлари (LabVIEW, COMSOL, CODESYS, Cisco Tracer, Feature CAM, SolidWorks)дан фойдаланиб ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш орқали техника йўналишидаги олий таълим муассасаларида

умумкасбий фанларини ўқитиш усуллари ва ахборот-методик таъминотини такомиллаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти талабаларни замон талабига жавоб берувчи етук мутахассислар сифатида шакллантиришда уларга таълим берувчи педагогларга моделлаштириш дастурларидан фойдаланишнинг янгича методикасини муҳандислик таълими жараёнида қўллаш, таълим жараёнларини рақамлаштириш, умумкасбий фанлар мазмунини такомиллаштириш ва замонавий ўқув-методик таъминотини яратиш, илғор таълим технологияларини жорий этиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Техника йўналишидаги олий таълим муассасаларида моделлаштириш дастурларидан фойдаланиб умумкасбий фанларнинг ахборот-методик таъминотини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган методик ва амалий таклифлар асосида:

техника йўналиши олий таълим муассасаларида умумкасбий фанларини ўқитишда моделлаштириш дастурларидан фойдаланишнинг имитацион-вариативлик ва визуал-амалий йўналганлик имкониятларига оид таклифлардан 5321700 – Технологик жараёнларни бошқаришнинг ахборот-коммуникация тизимлари бакалавриат таълим йўналиши малака талабларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 8 январдаги №89-03-100-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифлар олий таълимда бўлажак муҳандисларни касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнини такомиллаштиришга хизмат қилади;

умумкасбий фанлардан мустақил таълим олишнинг ахборот-методик таъминоти (ижтимоий видеоканал, топшириқлар тизими платформаси ва мессенжер ботлар) ишлаб чиқилган ва Наманган муҳандислик-технология институти, Фарғона политехника институти, Жиззах политехника институти ҳамда Бухоро муҳандислик-технология институтининг бакалавриат таълим йўналишлари ўқув жараёни амалиётида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 8 январдаги № 89-03-100-сонли маълумотномаси). Мазкур ахборот-методик таъминот бўлажак муҳандисларнинг моделлаштириш дастурларидан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилади;

талабаларнинг технологик жараёнларни лойиҳалаш ва бошқариш кўникмаларини ривожлантириш методикасига оид методик тавсиялар АИФ 2/20 - “Техник йўналишдаги олий ўқув юртларида шахсга йўналтирилган инновацион технологиялар асосида малакали муҳандисларни тайёрлаш сифатини ва ўқитувчилар малакасини ошириш” (2019-2021 йй) мавзусидаги халқаро грант лойиҳасини амалга оширишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 18 сентябрдаги 89-03-3554-сонли маълумотномаси). Мазкур методик тавсиялар муҳандислик таълими жараёнида талабаларнинг мустақил таълимини самарали ташкил қилиш ва ўтказишга хизмат қилади;

техника йўналишидаги олий таълим муассасасалари бўлажак муҳандисларнинг умумкасбий фанлардан ўзлаштириш натижаларини баҳолаш тизимини қамраб олувчи JSON (Java Script Object Notation)

форматидан фойдаланишга оид таклифлар “Дастурлаш тиллари базасида техник иловалар” номли дарслик, “Муҳандисликда моделлаштириш дастурлари (CAD/CAM/CAE)” бўйича мультимедиа элекрон ўқув қўлланма ва “Дастурлаш тиллари базасида техник иловалар” фанидан элекрон дарслик мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 08 январдаги №89-03-100-сонли маълумотномаси). Мазкур ахборот-дидактик материаллар бўлажак муҳандисларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш ва касбий тайёргарлик даражаларини объектив баҳолашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 11 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 7 таси хорижий журналларда нашр этилган. Шунингдек, ишлаб чиқилган дастурий маҳсулотлар учун давлат интеллектуал мулк агентлигидан 4 та муаллифлик гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, умумий хулосалар, 163 номдаги фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, унда 8 та жадвал, 19 та расмдан фойдаланилган, ишнинг умумий ҳажми 121 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлил этилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ҳамда предмети аниқланган, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган ҳамда тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотнинг биринчи боби **“Техника йўналишидаги олий таълим муассасаларида умумкасбий фанларини ўқитишнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган бўлиб, унда олий таълим муассасаларида умумкасбий фанларини ўқитиш бўйича илмий тадқиқот ишлари таҳлили, амалдаги ҳолати, муаммолари ва уларни ҳал қилиш йўллари ҳамда умумкасбий фанларини ўқитишда моделлаштириш дастурларидан фойдаланишнинг аҳамияти ва афзалликлари ёритилган.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида олий таълим тизимини ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш асосида таълим сифатини яхшилаш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион

фаолиятни самарали ташкил этиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш вазифалари белгиланган. Мазкур концепциянинг амалда жорий этилиши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги ПҚ-4391-сон «Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида таълим жараёнида рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилиши назарда тутилган:

рақамли иқтисодиёт учун юқори малакали муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини ташкил этиш;

замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва таълим технологияларининг мустақкам интеграциясини таъминлаш ҳамда бу борада педагог кадрларнинг касбий маҳоратини узлуксиз ривожлантириб бориш учун қўшимча шароитлар яратиш;

таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн ва бошқа технологияларни амалиётга кенг жорий этиш;

замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида масофавий таълим дастурларини ташкил этиш каби имкониятларини таълимда қўллаш.

Техника олий таълим муассасаларида “Технологик жараёнларни бошқаришнинг ахборот-коммуникация тизимлари” йўналишининг “Дастурлаш тиллари базасида техник иловалар” умумкасбий фанини ўқитишда ушбу концепцияда белгиланган вазифаларнинг натижадорлигини таъминлаш мақсадида умумкасбий фанларни ўқитишда мавзуга йўналтирилган компьютер дастурларидан фойдаланиш орқали таълим сифати ва самарадорлигининг ошиши мазкур тадқиқот ишининг мақсади ва вазифаларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Кимё, озиқ-овқат, нефт ва газ саноати технологияси ва бошқа саноат соҳаларида эришилган муваффақиятлар, техник тараққиёт ютуқлари, мамлакатимизнинг иқтисодиёти ва маданиятини ривожлантириш, шунингдек, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш учун устувор аҳамиятга эга бўлган ишлаб чиқариш шароитларини яратиш учун асос бўлади.

Техника йўналишидаги олий таълим муассасаларида анъанавий ва янги фанлар орасида аудитория соатларининг қайта тақсимланиши, фан бўйича соатлар мажмуида мустақил иш улушини ошириш, умумкасбий фанларни масофавий ва очик шаклларда ўқитишни ривожлантириш шароитларида ўқитиш сифатини сақлаб қолиш ва самарадорликни ошириш, янги педагогик технологияларни, шу жумладан, замонавий компьютер технологияларига асосланган методикаларни ишлаб чиқиш ва амалда қўллашни талаб қилади.

Назарий изланишларимиз техник олий таълим жараёнида умумкасбий фанларидан “Дастурлаш тиллари базасида техник иловалар”, “Компьютер тизимлари ва тармоқлари”, “Маълумотлар базасини бошқариш тизимлари”, “Мехатроника”, “Ахборот коммуникация тизимларини лойиҳалаш”, “Технологик жараёнларни моделлаштириш ва оптималлаштириш асослари” сингари умумкасбий фанларини ўқитишда моделлаштириш дастурларидан

фойдаланиш методикасига ва ахборот-методик таъминотини такомиллаштиришга оид илмий-тадқиқот ишлари етарли даражада олиб борилмаганлигини кўрсатди. Ўтказилган изланишлар асосида олий таълим профессор-ўқитувчиларининг моделлаштирувчи дастурлардан фойдаланиш малакаларининг тўртта даражаси таклиф қилинди:

Биринчи даражада ўқитувчининг компьютер саводхонлигини бошланғич даражада билиши таъминланиши керак. У компьютер ишлаши тамойилларини тушуниши ва компьютер дастурларини ишга туширишни билиши; педагогик дастурий воситаларни баҳолаши; ўқув жараёнида компьютерни ишлатишнинг турли усулларини қўллаши; ўқитишга тегишли илмий манбалардан хабардорлиги тушунилади.

Иккинчи даражада эса ўқитишнинг турли техник воситаларини; компьютер тизими терминологияси ва базавий компонентларини; матнларни қайта ишлаш тизимларини; танланган фан соҳасида компьютерларнинг роли ва уларни ишлатиш стратегиясини билиши; компьютерларнинг жамиятга таъсирини; компьютерларнинг ўқитиш жараёнига таъсирини тушуниши назарда тутилади.


Учинчи даража кенг қамровли тайёргарлик имконияти мавжуд бўлган истиқболга мўлжалланган бўлиб, у қуйидагиларни ўз ичига олади: компьютер тушунадиган тил муҳитида дастурлар билан ишлашни билиш; моделлаштириш тизимларининг табиатини ва уларни қўллаш имкониятларини билиш; мос компьютерни танлаш, локал тармоқни ташкил қилиш ва унга улана олиш;

Тўртинчи даража эса чуқур ўрганишга мўлжалланган бўлиб, у қуйидаги билимларнинг мавжудлигида амалга оширилади: ахборот муҳитига қўллаб ўқитиш жараёни тузилмаси ҳақидаги билимлар; ўқув дастури мазмунини ва тегишли соҳада масалаларни ечиш воситаси сифатида компьютерларни самарали қўллаш учун талаб қилинадиган ўзгаришларга оид компетенциялар.

Шу боис олий таълим мазмунини такомиллаштириш, моделлаштириш дастурлари ва интернет технологияларидан самарали фойдаланиш давр талаби бўлиб қолмоқда. Юқоридагилардан келиб чиқиб, техника йўналишидаги олий таълим муассасаларида умумқасбий ва ихтисослик фанларини ўқитишда моделлаштириш дастурларининг боғлиқлиги ўрганиб чиқилди (1-расм).

Ушбу тузилмада LAbVIEW, Delphi, SQL Server, Postgres, Access, MySQL, Cisco Tracer, SolidWorks, FeatureCAM, PowerShape, ArtCAM, Arduino, Matlab, MathCAD, COMSOL сингари моделлаштирувчи дастурлардан “Дастурлаш тиллари базасида техник иловалар”, “Маълумотлар базасини бошқариш тизимлари”, “Компьютер тизимлари ва тармоқлари”, “Ахборот тизимларини лойиҳалаш, ўрнатиш ва созлаш”, “Мехатроника”, “Ахборот-коммуникация тизимларини лойиҳалаш”, “Технологик жараёнларни моделлаштириш ва оптималлаштириш”, “Ахборот тизимлари интерфейсини лойиҳалаш” каби умумқасбий ва ихтисослик фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкин бўлган боғлиқликлар таҳлиллар

натижасида аниқланди ва ушбу моделлаштирувчи дастурлардан фойдаланиб, ҳар бир фанга доир қандай ишланмалар яратилиш мумкинлиги аниқланди.



1-расм. Умумқасбий ва ихтисослик фанларини ўқитишда моделлаштириш дастурларининг боғлиқлиги

Олий таълимда компетентли ёндашувни амалга ошириш, ўқув жараёни машғулотларини ташкил этишда фаол ва интерфаол (компьютер симуляторлари, қарорлар шажараси усули, муаммоли вазиятларни кўриб чиқиш, лойиҳавий метод ва ҳ.к.) усулларни қўллаш, талабаларнинг касбий кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида аудитория ва мустақил таълимда халқаро педагогик амалиётда қўлланиладиган инновацион технологиялар, ўқитишнинг самарали стратегиялари, методлари ва услубларини кенг қўллаш мақсадга мувофиқ.


Тадқиқотнинг иккинчи боби “**Олий таълим муассасаларида умумқасбий фанларини моделлаштириш дастурларидан фойдаланиб ўқитиш модели ва методик таъминоти**” деб номланган бўлиб, унда олий

таълим муассасаларида умумкасбий фанларини моделлаштириш дастурларидан фойдаланиб ўқитиш модели, “Дастурлаш тиллари базасида техник иловалар” умумкасбий фанини моделлаштириш дастурларидан фойдаланиб, ўқитишнинг ахборот-методик таъминоти, олий таълим муассасаларида умумкасбий фанлари бўйича қўлланилган моделлаштириш дастурлари ва уларнинг методик таъминоти баён этилган.

Бугунги кунда таълим жараёнида компьютернинг график имкониятларидан фойдаланишга бўлган талабнинг ортиб бориши, талабаларнинг таълим соҳасида, хусусан, олий таълим муассасаларида умумкасбий фанларини ўқитишда моделлаштирувчи дастурлардан фойдаланишини юқори савияда ташкил этишни тақозо этмоқда.

Ўтказилган изланишлар асосида биз томондан техника йўналишидаги олий таълим муассасаларида умумкасбий фанларини моделлаштириш дастурларидан фойдаланиб ўқитиш модели ишлаб чиқилди ва ҳар бир компонентининг мазмуни очиб берилди (2-расмга қаранг). Ушбу моделга мувофиқ, техника олий таълим муассасаларидаги бакалаврият таълим йўналиши малака талаблари, ДТС ва ижтимоий буюртмадан келиб чиққан ҳолда умумкасбий фанларини ўқитиш жараёнида ўқув-методик таъминоти, масофавий ўқитиш, топшириқлар сайти ва баҳолаш тизими замон талабига мос равишда олий таълим муассасаларида янги модуль – кредит тизимига ўтиши инобатга олинган бўлиши керак. Бундан келиб чиқиб, фанга оид дарсликлар, ўқув қўлланмалар, оффлайн электрон дарсликлар, моделлар ва тайёр намуналар, анимациялар ва виртуал кўргазмаларни ишлаб чиқиш натижасида талабаларнинг касбий мотивациясини ошириш ва креативлик қобилиятларини намоён қилишга эришиш мумкин бўлади. Бу эса ўқитишда масофавий тизимларни йўлга қўйиш орқали фан мазмунининг глобаллашувиغا олиб келади. Шунингдек, умумкасбий фанларни ўқитишда топшириқлар тизими ва мессенжер ботлар имкониятларидан фойдаланиш орқали талабаларнинг доимий фаоллиги ҳамда баҳолаш натижаларининг объективлигига эришиш мумкинлиги асосланди.

Моделда мазмунли компонент сифатида умумкасбий фанларини ўқитишда моделлаштириш дастурларидан фойдаланишнинг юқорида кўрсатилган омиллари танлаб олинди. Моделлаштириш дастурларидан умумкасбий фанларини ўқитишда фойдаланишда дастурларнинг турлари, моделлаштирувчи дастурларнинг дидактик имкониятлари, ўқув жараёнидаги функциялари, тамойилларидан келиб чиққан ҳолда мос умумкасбий фанлардан ўзига хос моделлаштириш дастурларидан фойдаланиш жараёни кўрсатиб ўтилган ва ишлаб чиқилган моделда энг муҳим жараён ҳисобланади.




2-расм. Моделлаштириш дастурларидан фойдаланиб умумкасбий фанларнинг ахборот-методик таъминотини такомиллаштириш модели

Бундан ташқари, олий таълимда кўпгина фанларни ўқитишда кенг тарқалган MATLAB ёки MathCAD сингари дастурлардан фойдаланиш ҳар доим ҳам ижобий натижа бермаслиги мумкин. Масалан, “Технологик жараёнларни бошқаришнинг ахборот-коммуникация тизимлари” таълим йўналиши мисолида “Дастурлаш тиллари базасида техник иловалар”, умумқасбий фанида LabVIEW, Delphi, CodeSYS ва бошқа моделлаштириш дастурларидан фойдаланилса, “Компьютер тизимлари ва тармоқлари” фанида эса Cisco Tracer, “Технологик жараёнларни моделлаштириш” фанида COMSOL, “Ахборот-коммуникация тизимларини лойиҳалаш ва ўрнатиш” фанида эса FeatureCAM, SolidWorks моделлаштириш дастурларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Моделда “Дастурлаш тиллари базасида техник иловалар” номли умумқасбий фани мисолида фаннинг мазмуни сифатида маъруза машғулотлари, тажриба машғулотлари, мустақил таълим ва илмий тадқиқот ишини ташкил этиш учун фаннинг маълумотлар базаси, дарслик, электрон платформаси, видеодарслар канали ва бошқа фан мазмунини ташкил этишга ёрдам берувчи воситалар ишлаб чиқилди. Фанда қўлланиладиган моделлаштириш дастурлари (LabVIEW, Delphi, CodeSYS сингари моделлаштирувчи дастурлар) мисолида улардан талабалар ўқув материалини чуқурроқ тушуниши учун демонстрацион дастурлар, иммитациялаш дастурлари, тадқиқот дастурлари, виртуал жараёнларни ташкил этиш ҳамда назорат дастури сифатида ҳам фойдаланиш мумкинлигини инобатга олиш зарур. Бунда ушбу моделлаштириш дастурларида тайёрланган моделлардан фаннинг нафақат амалий ёки тажриба, балки маъруза машғулотларида ҳам фронтал, гуруҳли ва индивидуал ўқитиш усулидан ҳам фойдаланиш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Ўқув жараёнини амалга ошириш шакли жиҳатидан анъанавий дарсларда ёки масофавий ўқитишда ҳам фойдаланиш мумкин. Моделлаштириш дастурларидан фойдаланиб ўқитишда педагогик интерфаол (қарорлар шажараси, муаммоли вазият, тест) методлардан фойдаланишга ҳеч қандай тўсиқ мавжуд эмас. Умумқасбий фанларини моделлаштириш дастурларидан фойдаланиб ўқитишда электрон дарсликлар, мустақил сайтлар, олий таълим тизимида қўлланиладиган масофавий платформа, аниқ ечимларни берадиган муаллифлик дастурий ишланмалари, виртуал лабораториялар ва бошқа электрон таълим воситалардан фойдаланилди.

Шунингдек, ишлаб чиқилган моделнинг тўлақонли олий таълим жараёнида самарадорликка эришиш учун янги баҳолаш технологияси JSON форматида олиб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунда барча тизимлардан ўзлаштириш натижалари ягона оралиқ тизимда белгиланган мезонлар асосида синхронлаштирилади (3-расм). Ушбу баҳолаш схемасида JavaScript Object Notation (JSON) форматига тизимлар ўртасида API маълумот алмашинув натижасида янгича баҳолаш тизими ишлаб чиқилган. Буни амалга ошириш имконияти мавжуд, чунки барча тизимлар маълумотлар базаси билан фаолият юритади. Барча маълумотлар JSON форматида олинган, ягона объектив баҳолашни тизим шакллантириши мумкин бўлади.



3-расм. JSON (Java Script Object Notation) форматни ишлатувчи ягона тизимнинг функционал схемаси

Шунингдек, 3D моделлаштирувчи компьютер дастурлари ёрдамида маҳсулот моделларини яратиш ва уларни тайёрлаш жараёнини симуляциялаш ҳамда ушбу маҳсулотларни юқори аниқликда ишлаб чиқиш учун махсус лаборатория ташкил этилиши назарда тутилган. Бу лабораторияда ишлаб чиқаришда зарур бўладиган турли деталлар, маҳсулотлар ва ҳоказоларнинг моделларини компьютерда юқори аниқликда яратишда турли дастурлардан фойдаланилади.

